

4. Aliqoriyev (2011), Aliqoriev O.F. Tijorat banklarida moliyaviy xizmat turlarini rivojlantirish yo'nalishlari. iqt. fan. nom...diss. Avtoreferat – Toshkent, 2011. – 28b.

5. Temirov (2024), Temirov A. O'zbekiston respublikasi tijorat banklarida rivojlantirish strategiyasini takomillashtirish masalalari //Iqtisodiyot va ta'lim Темиров А. //Iqtisodiyot va ta'lim. – 2024. – Т. 25. – №. 1. – С. 64-73.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ФУҚАРОЛАРНИ ДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИДА МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИ (АҚШ, КАНАДА ВА ГЕРМАНИЯ МИСОЛИДА)**

**Ўринбоев Ғайратжон Ғофур ўғли**

*Тошкент Давлат иқтисодиёт университети мустақил изланувчиси*

**Аннотация:** Мақолада Ўзбекистон давлат пенсия таъминоти тизимида молиявий назоратни такомиллаштириш муаммоси халқаро тажриба асосида таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** давлат пенсия таъминоти, молиявий назорат, рискка асосланган аудит, рақамли мониторинг, маълумотлар интеграцияси.

Давлат пенсия таъминоти тизими ижтимоий ҳимоя архитектурасининг таянч бўғини бўлиб, унинг молиявий барқарорлиги ва тўловлар адолатлилиги бевосита назорат механизмларининг сифатига боғлиқ. Пенсия тизимида молиявий назорат фақатгина маблағлар сарфини текшириш билан чекланмайди, балки ҳуқуқий асосланганлик, ҳисоб-китобларнинг тўғрилиги, маълумотлар ишончлилиги, хавф-хатарларни олдиндан аниқлаш ва уларни камайтириш, шунингдек, хизмат кўрсатиш жараёнларида шаффофликни таъминлаш функцияларини ҳам қамраб олади. Ўзбекистон шароитида пенсия тўловларини тайинлаш ва молиялаштириш жараёнлари мураккаб маълумотлар оқимида таянади: иш стажи, иш ҳақи ва суғурта бадаллари, имтиёзлар, ногиронлик ёки боқувчисини йўқотганлик каби ҳолатлар бўйича ҳужжатлар, банк ва почта каналлари орқали тўловлар, шунингдек, бюджетаро трансфертлар. Ушбу занжирнинг ҳар бир бўғинида хатоликлар, такрорий тўловлар, маълумотларни сохталаштириш ёки кечиктириш каби рисклар юзага келиши мумкин. Шу сабабли молиявий назоратни замонавийлаштириш масаласи илмий ва амалий жиҳатдан долзарбдир.

Давлат молиявий назорати ва аудит тушунчалари ҳамда уни ривожлантириш жумладан, фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимида молиявий назоратни такомиллаштириш масалалари кенг илмий доираларда ўрганиб чиқилган.

Хорижлик тадқиқотчилар томонидан молиявий назоратга турлича таъриф берилган. Хусусан, С.Е.Платонова ўз ишида молиявий назоратни молиявий ресурслар ҳаракатининг барча босқичлари ва даражаларида давлат молиясини самарали бошқаришда ёрдам берадиган ваколатли давлат ва ҳудудий органларнинг узлуксиз равишда, олдиндан, жорий ва кейинги ҳаракатлари мажмуи сифатида таърифлаган<sup>299</sup> бўлса, Н.С.Малеин бу борада Молиявий назоратни текширувда қонунийлик, асослилик ва пул ҳаражатларининг тўғри содир этилганлигини аниқлашдан иборат бўлган ҳамда режаларнинг бажарилиш жараёнида молиявий, бюджет, кредит, ҳисоб-китоб ва касса интизомини таъминлашга қаратилган, молиявий, кредит ва хўжалик органлари (ташкилотлари)нинг ҳуқуқий меъёрлар билан тартибга солинадиган фаолият сифатида таърифлаган<sup>300</sup>.

Маҳаллий тадқиқотчилардан Д.Р.Рустамов, С.Меҳмоновлар илмий тадқиқотларида пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг илмий услубий асослари, ички аудит хизмати фаолиятига урғу бериб, унинг ташкилий-амалий жиҳатлари, услубий таъминотини ривожлантириш ва ички аудит хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари тадқиқ этилган.<sup>301</sup>

Тадқиқотда институционал таҳлил, қиёсий-ҳуқуқий ёндашув услубларидан фойдаланилди.

Таҳлил натижалари пенсия тизимида молиявий назоратни такомиллаштириш учта ўзаро боғлиқ йўналишга таянишини кўрсатди: назоратнинг институционал архитектураси, маълумотлар бошқаруви ва рискка асосланган аудит механизмлари.

Хусусан, АҚШда пенсия ва ижтимоий таъминот тўловларида назоратнинг кучли томони сифатида функционал ажратилган ҳисобдорлик занжири ажралиб туради. Дастур маъмурияти ички назорат ва мувофиқликни юритади, мустақил аудит субъекти эса тизимли камчиликлар, самарадорлик ва фирибгарлик хавфларини алоҳида текширади. Бу ажратиш назоратнинг “ўзини ўзи текшириш” хатарини

<sup>299</sup> Платонова.С.Е. Механизм совершенствования государственного финансового контроля.-08.00.10 – Финансы, денежное обращение и кредит. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва.-2013.б.6

<sup>300</sup> Малеин Н.С. Кредитно-расчетные правоотношения и финансовый контроль. – М.: Наука, 1964. С.103

<sup>301</sup> Рустамов Д.Р. “Ўзбекистонда пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишлари” мавзуси бўйича иқтисод фанлари доктори (Дс) даражасини олиш бўйича автореферати. – Т., 2018.Меҳмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш.-08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc)диссертация автореферати.Тошкент.-2018.б.31-32.

пасайтиради ҳамда аудит натижаларининг амалий қарорларга айланишини тезлаштиради, чунки тавсиялар бажарилишини кузатиш механизми шаклланган.<sup>302</sup> Ўзбекистон шароитига мослаштириладиган жиҳат шундаки, ички аудит хизматининг функционал мустақиллиги кучайтирилса, ташқи аудит билан ахборот алмашинуви такомиллаштирилса, назоратнинг натижадорлиги ошади.

Канадада давлат дастурларини бошқаришда натижадорлик аудити ҳамда қиймат-эвазига натижа ёндашуви молиявий назоратнинг марказий элементига айланганини кўрсатади. Бу ёндашув фақатгина ҳужжатларнинг тўғрилигини текшириш эмас, балки жараёнларнинг соддалаштирилиши, маъмурий харажатлар ва хизмат кўрсатиш сифати ўртасидаги нисбатни баҳолашни ҳам талаб қилади.<sup>303</sup> Пенция тизимида бундай ёндашув, масалан, ҳужжатларни йиғиш ва верификация қилиш босқичларида такрорланадиган операцияларни қисқартириш, рақамли идентификация ва автоматик текширувлар улушини ошириш орқали молиявий назоратнинг профилактик таъсирини кучайтиради.

Германия мисолида суғурта принципларига таянадиган пенция тизимларида маълумотлар интизоми ва бадаллар ҳисобининг аниқлиги молиявий назоратнинг асосий таянчи эканини кўрсатади. Германия амалиётида иш берувчилар ҳисоботлари, суғурта бадаллари ва фуқароларнинг меҳнат фаолиятига оид маълумотлар интеграциялашган реестрлар орқали солиштирилади, бу эса пенция ҳуқуқларини шакллантиришдаги хатолар ва ноаниқликларни эрта босқичда аниқлашга хизмат қилади. Пенция ҳуқуқини белгиловчи маълумотлар базаларини солиқ, бандлик, ФҲДЁ ва миграция маълумотлари билан мувофиқлаштиришни назоратнинг алоҳида йўналиши сифатида кўриш мумкин. Бунда назоратнинг мақсади бирламчи маълумотларнинг ишончлилигини ошириш орқали кейинги босқичлардаги хатоларни камайтиришдан иборат бўлади.

Бундан ташқари, рақамли аудит ва узлуксиз мониторинг элементлари назорат самарадорлигини кескин ошириши мумкин. АҚШ ва Канада амалиётида маълумотлар таҳлили воситалари, транзакцияларни профиль бўйича сегментлаштириш, ўзаро солиштириш назоратни “профилактик” шаклга яқинлаштирган. Германия тажрибасида эса рақамли изчиллик тамойили, яъни бирламчи маълумотлардан якуний тўловгача бўлган занжир назорати, ҳужжат айланишининг шаффофлигини оширади.

---

<sup>302</sup> United States Government Accountability Office. Standards for Internal Control in the Federal Government. Washington, DC: GAO, 2014. 71 p.

<sup>303</sup> Office of the Auditor General of Canada. Performance Audit Manual. Ottawa: OAG Canada, 2020. 180 p.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Грязнова А. Г., Маркина Е. В. Государственные финансы: учебник. Москва: КНОРУС, 2020. 560 с.
2. Қодиров А. А. Пенсия таъминоти тизимини молиявий барқарорлаштириш масалалари. Тошкент: Фан ва технология, 2021. 200 б.
3. Кудряшова Е. В. Государственный финансовый контроль: правовые основы и практика. Санкт-Петербург: Юридический центр Пресс, 2018. 312 с.
4. United States Government Accountability Office. Standards for Internal Control in the Federal Government. Washington, DC: GAO, 2014. 71 p.
5. International Organization of Supreme Audit Institutions. ISSAI 100 Fundamental Principles of Public-Sector Auditing. Vienna: INTOSAI General Secretariat, 2019. 36 p.
6. Office of the Auditor General of Canada. Performance Audit Manual. Ottawa: OAG Canada, 2020. 180 p.
7. Börsch-Supan A. The German Pension System: Status Quo and Reform Options. Munich: Max Planck Institute for Social Law and Social Policy, 2017. 120 p.

## **ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МОДЕЛЕЙ ИСЛАМСКОГО ФИНАНСИРОВАНИЯ ДЛЯ ПРЕДЭКСПОРТНОГО ФИНАНСИРОВАНИЯ НА ПРИМЕРЕ КОНТРАКТОВ МУРАБАХА И САЛАМ**

**Юлдашев Нурилло Масидикович**

*Международная академия исламоведения Узбекистана, Докторант  
Phd.*

Предэкспортное финансирование является ключевым элементом международной торговли, покрывая потребности экспортера в оборотном капитале на этапе производства, закупки сырья или подготовки товара к отгрузке. Традиционные схемы предэкспортного финансирования (аккредитивы, кредитные линии, факторинг) зачастую основаны на процентных займах (*риба*), что исключает их использование участниками рынка, стремящимися соблюдать принципы исламского права (*шариата*). Параллельно с этим наблюдается рост глобального интереса к этическим и партнерским моделям финансирования, что расширяет потенциальную аудиторию исламских финансовых инструментов за рамки исключительно мусульманских стран.

Исламские финансы, основанные на запрете *риба* (ростовщичество), *гарар* (чрезмерной неопределенности) и *майсир* (азартных игр), а также на принципе разделения прибыли и убытков, предлагают уникальный